

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил июнь ойининг 09 куни жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди Янгиҳаёт тумани “Ал-Фарғоний” маҳалла фуқаролар йиғини биносида очик сайёр суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи судья З.Ярашев, судья ёрдамчиси Н.Пирановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиҳаёт туман прокурорининг ўринбосари Ш.Шукуров, судланувчи Ш.Бектурдиев ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Буксинбаевларнинг иштирокида,

1997 йил 02 ноябрь куни Хоразм вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, бўйдоқ, Хоразм вилояти, Хива туман ҳудуд электр тармоқлари корхонасида электрик вазифасида ишлайди, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Катта боғ маҳалла фуқаролар йиғини, Катта боғ қишлоғи 15-уйда рўйхатда туриб, яшовчи, 2023 йил 15 апрель куни “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини муддатда олган Бектурдиев Шохруҳ Ғулумбек ўғли (*Bekturdiyev Shohruh G`ulombek o`g`li*) ни

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 131-моддасининг

2-қисми билан айбланиш ҳақидаги 1-1012-2303/203-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Ш.Бектурдиев ғаразли ва бошқа паст ниятларда

2023 йил 13 апрель куни ўзига вақтинчалик яшаб келган Янгиҳаёт тумани, Сергели 5-А даҳаси, 18-уй, 72-хонада И.Холиқов ва С.Раззоқоваларга жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб бериб, эвазига улардан 200.000 сўм пулларни олганда Янгиҳаёт туман ИИО ФМБ ходимлари томонидан ушланган.

Судланувчи Ш.Бектурдиев айбига тўлиқ иқрорлик билдириб,

2023 йил 12 апрель куни ўзига тегишли бўлган “Iphone-11”



русумли “Телеграмм” мессенджердаги “кунлик ижара” номли телеграмм гуруҳга пулга муҳтож бўлганлиги учун, унга соатлик квартира борлиги ҳақида хабар қўйгани, бироз вақт ўтиб, унга олдиндан нотаниш бўлган Севдиёр исмли аккаунт эгаси, унга 2 соатга хонадон кераклигини, ушбу хонадонга қизи билан бориши хусусида “смс” ёзганида, унга хонадонда қизи билан жинсий алоқа қилиб дам олишлари учун соатига 100.000 сўм тўлаши лозимлиги айтгани, ушбу нотаниш шахс унга қизи билан кечки пайтда келишлигини айтиб, хонадон манзилигини сўрагани учун унга Янгиҳаёт туманида Сергели-5А-дахаси, 18-уй, 72-хонадонни геолокациясини телеграмм мессенджери орқали ташлаб бергани, шу куни соат 23¹⁰ ларда кейинчалик исмини билишича И.Холиқов С.Раззакова билан биргаликда уй олдиға келиб, И.Холиқов унга қўнғироқ қилиб айтилган манзилға келганини айтиб, хонадон эшиги тақиллаганлигини, ўзи эшикни очиб, уларни хонадонға олиб киргани, келишилганидек И.Холиқов унга икки соат дам олишларини айтиб, 200.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини, ўзи ушбу пулларни олиб, эғнидаги шимини ўнг чўнтағига солиб қўйганлигини, шундан сўнг, уларни хонадонға кирилганда, чап тарафдаги хонани кўрсатиб, ушбу хонада дам олишларини айтганлигини, сўнгра, И.Холиқов ва унинг таниши С.Раззакова ушбу хонаға кириб кетишганлигини, у эса хонадонни меҳмонхонасида кириб кетиб ўзини ишлари билан шуғулланиб ўтирганлигини, бироздан сўнг, фуқаролик кийимидаги ИИО хонадонға икки нафар холис билан бирға кириб келишиб, ўзларини таништириб, гувоҳномасини кўрсатишиб, хонада бегона шахслар бор ёки йўқлиги ва уларнинг нима мақсадда хонадонға келишганини сўрашганида, уларға ҳолатни айтиб бериб, ёнидаги 200.000 сўм пулларни тақдим қилгани, ИИО ходимлари И.Холиқов ва С.Раззақовалар билан ҳам суҳбатлашиб, улар ҳолатни тасдиқлагач, ундан 200.000 сўм пулларни расмийлаштириб, ҳолат юзасидан далолатнома расмийлаштиришгани, айбини тушуниб етганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаётгани, яқинда олийгоҳни котракт шартнома асосида тугатгани, унга нисбатан қонуний энгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Ш.Бектурдиевнинг айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

Гувоҳ Қ.Тохиров, судда ўз кўрсатувида, у Янгиҳаёт



туман ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ профилактика инспектори вазифасида ишлаб келаётгани, Ш.Бектурдиев 2023 йил 13 апрель куни ўзига вақтинчалик яшаб келган Янгиҳаёт тумани, Сергели 5-А даҳаси, 18-уй, 72-хонада И.Холиқов ва С.Раззоқоваларга жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб бериб, эвазига улардан 200.000 сўм пулларни олганда улар томонидан холислар иштирокида ўтказилган тадбирда ушланганини, тадбир жараёнида Ш.Бектурдиевга нисбатан бирор-бир ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилинмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Ш.Бектурдиевнинг айби билдирги, ариза, тақдим қилиш тўғрисидаги баённома ва фото илова, ҳодиса жойини кўздан кечириш тўғрисидаги баённома, юзлаштириш баённомаси, илова қилинган фото-суратлар, дастлабки терговда сўроқ қилинган ва судда ўқиб эшиттирилган гувоҳ И.Холиқов, С.Раззакова, М.Юсупова ва Д.Хасановларнинг кўрсатувлари ҳамда иш ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ш.Бектурдиевнинг фохишахона сақлашда ифодаланган қилмиш жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 131-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи Ш.Бектурдиевнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, яқинда олийгоҳни контракт шартнома асосида тугатгани, ёшлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаётганлигини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси

55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Бектурдиевга нисбатан жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбини тушуниб етганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, яқинда олийгоҳни контракт шартнома асосида тугатгани, ёшлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаётганлигинини инобатга олиб, Жиноят кодекси 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда жазо санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жиноят содир қилинган вақтда амалда бўлган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш



миқдоридан келиб чиқиб тайинлашни ҳамда жаримани давлат ҳисобига ундиришни белгилашни, унга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим деб топади.

Шунингдек, иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган

200.000 сўм пуллар тергов жараёнида И.Холиқовга тилхат орқали қайтарилганини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 463, 465-468, 471,

472-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Бектурдиев Шоҳруҳ Ғуломбек ўғли (*Bekturdiyev Shohruh G`ulombek o`g`li*) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси

131-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан Жиноят кодекси 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг

30 (ўттиз) баравари яъни 9.000.000 (тўққиз миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат ҳисобига ундирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил яъни 200.000 сўм пуллар тергов жараёнида гувоҳ И.Холиқовга тилхат орқали қайтарилгани инобатга олинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

-Ш.Бектурдиевга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган вақтдан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

З.З.Ярашев



Маъсул судья: Ярашев Завқиддин Зайнидинович



Ҳужжат имзоланган: Ярашев Завқиддин Зайнидинович, 09.08.2023

